

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**УРУНБОЕВ САДРИДДИН КОМИЛЖОНОВИЧ**

**ҒЎЗА ЭКИНИНИ СУҒОРИШДА КОЛЛЕКТОР-ДРЕНАЖ СУВЛАРИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.02 - Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Урунбоев Садриддин Комилжонович**

Вўза экинини суғоришда коллектор-дренаж сувларидан фойдаланиш  
технологияларини такомиллаштириш..... 3

**Урунбоев Садриддин Комилжонович**

Совершенствование технологии использования коллекторно-  
дренажных вод для орошения хлопчатника ..... 21

**Urunboev Sadriddin Komiljonovich**

Improvement of technology of collector-drainage water use for irrigation of  
cotton crop ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**УРУНБОЕВ САДРИДДИН КОМИЛЖОНОВИЧ**

**ҒЎЗА ЭКИНИНИ СУҒОРИШДА КОЛЛЕКТОР-ДРЕНАЖ  
СУВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.02 - Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.3.PhD/Т.1377 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шеров Анвар Ғуломович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Такризчилар:**

**Икрамов Рахимджан Каримович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Шадманов Джамолиддин Казакжанович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат Аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc. 27.06.2017. Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 й. «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (99871) 237-19-61, 237-22-09, факс: 237-54-79. e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz))

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.З. Султонов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

**А.А.Янгиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., профессор

**М.Х.Хамидов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий  
семинар раиси, к/х.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун ер ости сувларини ишлатиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жihatдан экинларни суғориш учун турли минерализация даражасига эга дарё ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, жумладан АҚШ, Италия, Хитой, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Россия ва бошқа ривожланган мамлакатларда экинларнинг ер ости сувлар билан суғорилганда, ҳайдаладиган ер қатламларида тузларнинг миқдори ошади ва кейинчалик катта миқдордаги ёғингарчилик ёки шўр ювиш ишларидан сўнг тузларнинг миқдорини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда, йилига 300 км<sup>3</sup> атрофида коллектор-дренаж сувлари (КДС) шаклланади, улар дунёнинг барча мамлакатлари иқтисодиётига ва табиатига катта зарар етказди. Шунинг учун, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва КДС нинг атроф муҳитга салбий таъсирини бартараф этишга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, коллектор-дренаж сувларини аввал деминерализация қилиб ва зарарсизлантириб суғориш учун қайта ишлатиш ёки уларни дарё сувлари билан қўшиб ишлатиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикада сув танқислигининг олдини олиш мақсадида сув тежамкор суғориш технологиялардан фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва экинлардан юқори ҳосил олишга қаратилган кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "... энергия ва ресурсларни истеъмол қилишни камайтириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехникаларни қўллаш"<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан коллектор-дренаж сувини суғориш учун қўшимча манба сифатида жалб қилиш имконини берувчи инновацион технологиялардан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича 2013-2017 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1958-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги" 2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги фармони.

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида" ги ПҚ-3405-сонли Қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун сувнинг тежаш технологияларини яратиш, сувдан фойдаланиш режасини тузиш ва сувдан самарали фойдаланиш муаммолари бўйича бир қатор олимлар, шу жумладан, А.Н.Костяков, Б.А.Шумаков, И.А.Шаров, А.В.Францев, П.Г.Кроткевич, Г.Ю.Шейнкин, Н.А.Максимов, Х.Л.Пенман, А.Н.Ляпин, Л.Ф.Лукина, Н.Т.Лактаев, Н.В.Морозов, В.В.Колпаков, Б.Ф.Камбаров, А.А.Рачинский, Н.А.Янишевский, М.Ф.Натальчук, Х.А.Ахмедов, Б.С.Серикбаев, Ф.А.Бараев, М.Х.Хамидов каби олимларнинг ишларида ўз аксини топган.

Ер ости ва коллектор-дренаж сувларидан фойдаланиш ва уларнинг ҳосилдорликка таъсирини аниқлашга оид тадқиқотлар С.Ф. Аверьянов, В.А. Ковда, Б.А.Шумаков, И.А.Енгулатов, Д.М.Кац, А.В.Лебедев, Н.И.Парфенова, П.С.Панин, Kelli, Libuhu, Garona, Bauera, Messlenda, Villah, Г.Саболча, К.Дараба, К.Мирзажонов, Н.Н.Ходжибоев, В.Г.Самойленко, И.С. Рабочев, Л.В. Кирейчева, В.С.Мгеладзе, Е.В.Овчинникова, А.А.Рачинский, Ф.А.Рахимбаев, Н.Ф.Беспалов, В.А.Духовный, Р.К.Икрамов, В.Насонов, Э.И. Чембарисов, О.Р.Рамазанов, Е. Курбанбаев, Х.Э. Якубов, Т.П.Глухова, Г.А.Ибрагимов, М.А. Якубов, Ш.Х. Якубов, А.Х.Каримов ва бошқаларнинг ишларида батафсил ёритилган ва маълум ижобий натижаларга эришилган.

Бугунги кунда ушбу йўналишда олиб борилган кенг миқёсдаги тадқиқотларга қарамадан турли суғориш технологияларидан фойдаланиш шароитида коллектор-дренаж сувларидан фойдаланиш даражаси ва ҳажми ўртасидаги муносабатлар етарли даражада ўрганилмаган. Сув танқис шароитда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун ҳар хил тупроқ-мелиоратив шароитида коллектор-дренаж сувларидан самарали фойдаланиш бўйича инновацион технологияларни қўллаш асосида тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг 1.19 "Ирригация ва мелиорация тизимларини эксплуатация қилиш усулини ишлаб чиқиш" (2012 йил), "Радио изотоп индикаторлардан фойдаланиб мавжуд суғориш усулларининг самарадорлигини тадқиқ қилиш" мавзусидаги №68/13-хўжалик шартномаси (2013-2014 йй.) ва "Тупроқнинг фаол қатламидаги ва ўсимликлардаги сув-туз ва озуқа тарқалиши тизими параметрларини

радиоизотоп усули билан тадқиқ этиш ва оптималлаштириш" мавзусидаги ҚХ-А-ҚХ-2018-403-амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ғўзани коллектор-дренаж сувлари билан суғоришда тупроқнинг фаол қатламида сув тақсимоти қонуниятларини ядро-физикавий усул асосида технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ғўзани коллектор-дренаж сувлари билан суғоришда стабил ва радиоактив изотоплардан фойдаланган ҳолда тупроқнинг фаол қатламидаги сув тақсимоти қонуниятларини экспериментал ўрганиш;

ғўзани коллектор-дренаж сувлари билан суғоришда турли шўрланиш даражасига эга бўлган тажриба участкаларидаги тупроқларда сув шимилиш динамикасини аниқлашнинг ядро-физикавий усулини ишлаб чиқиш;

ғўзани суғориш учун коллектор-дренаж сувларидан самарали фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш;

ғўзани коллектор-дренаж сувлари билан суғоришда тупроқнинг фаол қатламида сувни шимилиш қонуниятларини ҳисоблашнинг тезкор усулларини яратиш;

ғўзани коллектор-дренаж сувлари билан суғоришда тупроқнинг фаол қатламида сувнинг шимилиш динамикасининг математик моделини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Сирдарё вилояти ўтлоқи бўз тупроқлари, ер усти ва ер ости сувлари, коллектор-дренаж тизимлари ва сувлари олинган.

**Тадқиқот предмети** тупроқнинг фаол қатламида сувнинг шимилиш динамикаси, ғўзани суғориш учун коллектор-дренаж сувларидан фойдаланиш технологияси, сувнинг шимилиш қонуниятини аниқлаш бўйича математик моделлаштириш ва ЭХМдаги компьютер дастури ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида "Дала тадқиқотларини ўтказиш" усули, "Нейтрон-активацион таҳлил" усули, "Спектрометрик ўлчаш" усули, суғориладиган майдонларда сув-туз баланси тенграмаларини ечиш ва математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Сирдарё вилояти, Сайхунобод туманида ғўзани коллектор-дренаж сувлари билан суғоришда тупроқнинг фаол қатламида сувларнинг шимилиш қонуниятлари барқарор ва радиоактив изотоплардан фойдаланиб спектрометрик ўлчаш усули асосида аниқланган;

кучсиз шўрланиш даражасига эга бўлган тупроқларнинг фаол қатламида сувнинг шимилиш динамикасини аниқлашнинг ядро-физикавий усули ишлаб чиқилган;

кучсиз шўрланган тупроқларда ғўзани суғоришда коллектор-дренаж сувларидан самарали фойдаланиш технологияси тупроқ фаол қатламида сувнинг шимилиш қонуниятини асосида такомиллаштирилган;

ғўзанинг тупроқ фаол қатламида сувнинг шимилиш динамикасини тезкор аниқлашнинг математик модели, сонли усул ва delphi тилида тузилган компьютер дастури асосида ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

мелиоратив шароитларни оптималлаштириш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини берувчи тупроқнинг фаол қатламида сувнинг шимилиш динамикасини ўрганишнинг ядро-физикавий параметрлари аниқланган;

сувнинг тупроқда шимилиш қонуниятларини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган математик моделдан фойдаланган ҳолда коллектор-дренаж сувларидан фойдаланиш технологиялари такомиллаштирилган;

тупроқнинг фаол қатламида сувнинг шимилиш қонуниятларини ҳисоблаш учун ЭХМ дастури ишлаб чиқилган;

ғўзани турли шўрланиш даражасига эга тупроқнинг фаол қатламида сувнинг шимилиш динамикасини аниқлаш учун математик модели ва уни тезкор ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, элементларнинг таҳлили учун стандарт намуналардан фойдаланилганлиги, ҳисоблашларда статистик ва математик моделлаштириш усуллари асосланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғўзани коллектор-дренаж сувлари билан суғоришда барқарор ва радиоактив изотоплардан фойдаланиш асосида тупроқнинг фаол қатламида сувнинг тақсимланиш динамикасини ўрганишнинг ядро-физикавий усулини ишлаб чиқилиши, суғориш учун коллектор-дренаж сувларидан хавфсиз фойдаланиш технологияси такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли минераллашган сувлар билан ғўзани суғоришда сувни тежайдиган суғориш технологиясининг принципларини ишлаб чиқиш, олинган натижалардан Сирдарё вилоятида сув танқислиги ошиб бораётган даврда коллектор-дренаж сувларидан қўшимча сув манбаси сифатида фойдаланиш имконини бериши, сув тақчиллигининг салбий оқибатларини юмшатиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ғўза экинини суғоришда коллектор-дренаж сувларидан фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида ғўзани коллектор-дренаж сувлари билан суғоришда тупроқнинг фаол қатламида коллектор-дренаж сувларини шимилиши қонуниятлари Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қуйи-Сирдарё ирригация тизимлари хавза бошқармаси томонидан Шўрузак Нурли келажак фермер хўжалигига жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги №04/25-2898-сон маълумотномаси). Натижада

вегетацияда назоратга нисбатан 567 м<sup>3</sup>/га сув тежалган ва ғўза ҳосилдорлиги 4,68 ц/га юкори бўлган

Кучсиз шўрланган тупроқларда ғўзани суғоришда коллектор-дренаж сувларидан самарали фойдаланиш технологияси тупроқ фаол қатламида сувнинг шимилиш қонунияти Сув хўжалиги вазирлигига тасарруфидаги Қуйи-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан “Собирбой Мансурбой”, фермер хўжалигида жорий этилган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги №04/25-2898-сон маълумотномаси). Натижада коллектор-дренаж сувларидан қўшимча манба сифатида фойдаланишнинг мақбул вариантлари ишлаб чиқилиб, экинлар ҳосилини камаймаслиги имконияти яратилган.

Кучсиз шўрланиш даражасига эга бўлган тупроқларнинг фаол қатламида сувнинг шимилиш динамикасини аниқлашнинг ядро-физикавий усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қуйи-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан “Собирбой Мансурбой” ҳамда Шўрузак Нурли келажак фермер хўжаликларида жорий этилган Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги №04/25-2898-сон маълумотномаси). Натижада ғўза экинини коллектор-дренаж сувлари билан суғоришда инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда тадбиқ этиш натижасида 13-14% сув иқтисод қилинган ва хар гектардан 1150 минг сўм соф даромад олинган

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши:** Диссертация иши 110 саҳифада ёзилган бўлиб, кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати келтирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот ишларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун коллектор-зовур сувларидан фойдаланишнинг замонавий ҳолати» деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун коллектор-дренаж ва сизот сувларидан фойдаланиш бўйича чет эл ва республика олимларининг олиб борган тадқиқотлари баён этилган. Ер ости сувлари ва коллектор-зовур сувларининг ҳосилдорликка таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқотлар қуйидаги С.Ф. Авъерянов, В.А. Ковда, Б.А.Шумаков, И.А.Енгулатов, Д.М.Кац, А.В.Лебедев, Н.И.Парфенова, П.С.Панин, Келли, Либуху, Гапона, Бауераа, Меесленда, Виллах, Г.Саболча, К.Дараба, К.Мирзажонов, Н.Н.Ходжибоев, В.Г.Самойленко, И.С. Рабочев, Л.В. Кирейчева, В.С.Мгеладзе, Е.В.Овчинникова, А.А Рачинский, Ф.А Рахимбаев, Н.Ф.Беспалов, В.А.Духовный, Р.К.Икрамов, В.Насонов, Э.И. Чембарисов, О.Р.Рамазанов, Е. Курбанбаев, Х.Э. Якубов, Т.П.Глухова, Г.А.Ибрагимов, М.А. Якубов, Ш.Х. Якубов, А.Х.Каримов ва бошқалар томонидан олиб борилган. Жаҳон амалиётида суғориш учун ер ости сувларидан фойдаланиш: АҚШ, Ҳиндистон, Хитой, Россия, Покистон ва бошқа кўплаб мамлакатларда кенг ривожланган, фермер хўжаликлари ерларини суғориш учун асосан ер ости сувларидан фойдаланади. Ҳиндистонда суғориладиган ерларнинг 66 фоизини қудукдан сув олиб суғорилади. Саудия Арабистон, Ливанда ер ости сувлари суғоришнинг ягона манбаи бўлиб хизмат қилади. Италияда ўн минглаб гектар суғориладиган ерлар ер ости сувлари билан суғорилади. Ўрта ер денгизи мамлакатларида кам шўрланган сувлардан турли хил экинларни суғоришда фойдаланиш бўйича тадқиқотлар шуни кўрсатдики, айрим сабзавот ва полиз экинларини, беда, шоли, ғалла ва бошқа экинларни суғоришда минерализацияси юқори яъни 5 г/л бўлган сувдан муваффақиятли фойдаланиш тавсия этилган.

Ҳозирги кундаги дунёдаги глобал иқлим исиши даврида республикамизда сув ресурслари танқислиги йилдан йилга ортиб бормоқда. Бундан ташқари, Афғонистоннинг Амударё дарёси сув ресурсларига бўлган талаби ортиши кузатилмоқда. Бошқа томондан, Сирдарё ва Амударёнинг юқори оқимида қурилган йирик сув омборларини энергетик режимда ишлашга ўтказилиши, шунингдек, кам сувли йилларнинг тез-тез такрорланиши, дарёларнинг ўрта ва қуйи қисмида жойлашган катта ҳудудларнинг сув таъминотига жиддий таъсир кўрсатишни бошлаган.

Коллектор-зовур сувларидан суғоришда фойдаланишда М.А.Якубов, Ш.Х.Якубов, Х.Э.Якубовларнинг тавсияларига кўра яхши зовурланган ерлардаги енгил ва ўрта сув ўтказувчанликка эга тупроқларда 3-3,5 г/л гача бўлган минерализацияга эга ҳеч қандай ариқ сувлари билан аралаштирмай самарали фойдаланиш имконияти мавжудлигини кўрсатдилар. Фақат бунда суғоришнинг ювилиш режими талабларига риоя этиш керак, яъни даладаги умумий сув миқдори эвапотранспирацияга нисбатан 5-10% кўпроқ бўлиши кераклиги қайд этилган.

$$\frac{O_{св_0}}{ET} > 5 - 10\% \quad (1)$$

Зовур оқимининг минерализацияси 3-4 г/л дан юқори бўлган ҳолларда сувдан дарё суви билан аралаштириш йўли билан фойдаланиш керак, дарё сувининг микдори қуйидаги формула билан аниқланади:

$$M_{cy} \cdot K_{cy} + M_{zo} \cdot K_{zo} = M_{ap}(K_{cy} + K_{zo}) \quad (2)$$

Чучук сув ҳажмининг зовур сувлари (аралаштирилганда) ҳажмига нисбати қуйидагича аниқланади:

$$D = (C_{др} - C_3) : (C_3 - C_{пр}) \quad (3)$$

Суғориладиган тупроқларнинг механик таркибига қараб, суғориш сувларининг рухсат этилган минерализацияси қуйидаги тупроқлар (Глухова) учун тенг бўлади: энгил кумоқ – 4 г/л, жумладан 2,5 - 3 г/л токсик тузлар; кумлоқ ва кум тупроқлар – 5г/л, жумладан 3,5 – 4 г/л токсик тузлар. Иложи борича шўр сувларни суғориш сувлари билан аралаштириб паст минерализацияли (3г/л гача) сувга айланттириш. А.Н. Костяков таснифига кўра, суғориш сувларини қуйидаги минерализация даражасига қараб тўртта гуруҳга ажратиш мумкин: а) 0,4 г/л гача - суғориш учун фойдаланиш хавфсиз; б) 0,5 дан 1,0 г/л оралиғида суғориш учун фойдаланиш чекланган; с) 4.0 г/л гача - суғориш учун фойдаланиш тупроқ шўрланишига олиб келади; г) 5-6 г/л гача - суғориш учун фойдаланиш тупроқни кучли шўрланишига олиб келишлиги аниқланган.


Радиоактив ва барқарор изотоплардан индикаторлар сифатида фойдаланишнинг асослари Б.Н. Анненков, Е.В. Юдинцеваларнинг А.Д. Фокин, А.А. Лурье, С.П. Торшинларнинг “ ишларида баён этилган.

Диссертациянинг «**Тажриба участкасининг хўжалик, тупроқ-иқлим ва мелиоратив ҳолатини ўрганиш**» деб номланган иккинчи бобида Сирдарё вилоятининг географик ўрни, иқлими, тупроқ-мелиоратив шароитлари ва ер-сув ресурсларидан фойдаланиш, коллектор-зовурларнинг ҳолати, муаммолари ва уларнинг ечимлари таҳлиллари келтирилган. тажриба участкасини ерларининг тупроқ-мелиоратив шароитларни ҳисобга олган ҳолда коллектор-зовур сувларидан фойдаланишнинг мавжуд технологиясини такомиллаштириш учун ҳар хил таркибли тупроқнинг фаол қатламига сувнинг шимилиш қонуниятларини инновацион ишланмалари, илм-фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, жумладан ядро физикавий таҳлил усулидан фойдаланиб тадқиқот қилиш зарурлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Ўзани етиштиришда тупроқнинг фаол қатламида сувнинг шимилиш қонуниятини барқарор ва радиоактив изотопларни қўллаб ўрганиш бўйича тадқиқотлар**» деб номланган учинчи бобида ЎЗР ФА ЯФИ тажриба участкаси ва лабораториясида ҳамда Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани Пахтакор СИУ «Шўрўзак Нурли келажак» фермер хўжалигининг тажриба участкасида олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

ЎЗР ФА Ядро физикаси институтининг тажриба участкасидаги тупроқ фаол қатламида сувнинг тақсимланиши динамикасини ўрганиш бўйича тадқиқотлар. Илмий ишни экспериментал тарзда урганилганда биринчи эгатлаб суғориш усулида 3та вариантда, сифатли ишлов берилган тупроқда, сифатсиз ишлов берилган тупроқда ва ишлов берилмаган тупроқда сувнинг шимилиш

қонуниятни ўрганилди. 1-расмда тупроқнинг фаол қатламида чуқурлиги бўйича сувли эритманинг тақсимланиш қонуниятлари тавсифланган диаграмма келтирилган. 1 – эгри чизик ишлов берилмаган тупроқда сувни тақсимланиш қонуниятини тавсифлайди. Тупроққа сифатсиз механик ишлов берилган вариантида, тупроқнинг 40 см чуқурликдаги қатламида йирик кесаклар тупроқнинг умумий ҳажмини тахминан 20 % ни ва ушбу ҳолатдаги сувнинг тақсимланиш қонуниятини 2 – эгри чизик билан тавсифланган. 3 – эгри чизик тупроққа бутун чуқурлиги бўйича сифатли ишлов берилганда, ҳамда майда дондор тупроқларда сувнинг тақсимланиш қонуниятини тавсифлайди.



**1 - расм. Эгатлаб суғориш усулидан фойдаланганда тупроқ фаол қатламида сувли эритманинг тақсимланиш қонуниятлари.**


Юқорида 1-расмдан кўришиб турибдики, суғоришнинг анъанавий усули қўлланилганда турли даражада механик ишлов берилганда тупроқнинг фаол қатламида сувнинг тақсимланиш динамикаси бир биридан фарқ қилган. Механик ишлов берилмаган ва сифатсиз механик ишлов берилган тупроқларда сувнинг ўртача миқдори берилганда сув чуқурроқ шимила олмаган. Сифатсиз ишлов берилган тупроқларда сув сингиши ва тупроқ чуқурлиги бўйича нотекис тақсимланиши кузатилган. Шу сабабли сувли эритма айрим нуқталарда 30 см чуқурликка етиб бориб, айрим нуқталарда етиб бормаганлиги қайд этилган. Яхши механик ишлов берилган тупроқларда 5см ва 10 см чуқурликка шимилган сув миқдори бир биридан фарқ қилди. Масалан, ишлов берилмаган тупроқнинг 5 см чуқурлигида қайд этилган аналитик сигнал 1216 импульсни, сифатли ишлов берилган тупроқда эса 1206 импульсни ташкил қилди. 10 см чуқурлигида эса қайд этилган аналитик сигнал 934 импульсни ва 903 импульсни ташкил қилди. 15-20 см чуқурликдан бошлаб тупроқнинг турига боғлиқ равишда сувнинг шимилишида фарқ бошланди. Масалан, <sup>63</sup>Su радиоактив изотопининг қайд этилган аналитик сигнали 25 см ва 35 см чуқурликда тупроққа сифатли ишлов берилганда 10 минут ўлчаш давомида мос равишда 347 ва 157 импульсга тенг, ишлов берилмаган тупроқларда шу чуқурликларда 103 ва 40 импульсга тенг, яъни бир хил чуқурликда тупроқда сувнинг шимилиш нисбати ушбу икки тупроқларда (103 имп./347 имп.) =0,30

га тенг бўлди. Бунинг маъноси шуки, ишлов берилмаган тупроқнинг 25 см чуқурлигида сувнинг шимилиши тупроқга сифатли ишлов берилгандаги қийматга нисбатан 30% ни ташкил этди. <sup>63</sup> Сu радиоактив изотопининг аналитик сигналлари нисбати берилган тупроқнинг 35 см чуқурлигида (40имп. / 157имп.)=0,25 га тенг. Бунинг маъноси шуки, ишлов берилмаган тупроқнинг 25 см чуқурлигида сувнинг шимилиши тупроқга сифатли ишлов берилгандаги қийматга нисбатан 25% ни ташкил этди. Шундай қилиб, тажрибалардан кўриниб турибдики, тупроқнинг фаол қатламида сувнинг тақсимланиш динамикаси тупроққа ишлов беришнинг сифатига боғлиқлиги аниқланди.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, суғоришнинг анъанавий усулидан фойдаланилганда, ишлов берилмаган ва ёмон ишлов берилган тупроқларда сув ресурсларидан фойдаланиш самараси паст, чунки сув асосан тупроқнинг юза қатламларида қолиб кетади, сувни чуқурроқ шимилиши учун, масалан, 30-40 см чуқурликкача етиб бориши учун каттароқ хажмдаги сув керак бўлади. Бизнинг тажрибаларимизда сув эритмаларининг хажми 1 м<sup>2</sup> юзага 0,05 м<sup>3</sup> ни ташкил этган, бундай сарфда (50л/м<sup>2</sup>) сув 30-40см чуқурликка етиб бормаганлиги қайд этилди.

Тупроқнинг фаол қатламида сувнинг тақсимланиш қонуниятларини янада чуқурроқ ўрганиш учун иккинчи суғориш усули - ёмғирлатиб суғориш усули қўлланилди. Бу усулни қўллашда ҳам юза бирлигига бир хил хажмдаги сувли эритма ишлатилган ва тажрибалар ўтказилган. Худди олдинги тажрибаларга ўхшаб, бунда ҳам 3 турдаги тупроқларда, механик ишлов берилмаган, сифатсиз ишлов берилган ва сифатли ишлов берилган тупроқларда тажриба ўтказилган.

Суғоришнинг ёмғирлатиш усули қўлланилганда сувнинг тақсимланиш қонуниятини диаграмма кўринишида 2-расмда келтирилган. 1 – эгри чизик ишлов берилмаган тупроқда сувни тақсимланиш қонуниятини тавсифлайди. 2 – эгри чизик сифатсиз ишлов берилган тупроқда сувнинг тақсимланиш қонуниятини тавсифлайди. 3 – эгри чизик тупроққа яхши ишлов берилганда, ҳамда майда донадор тупроқларда сувни тақсимланиш қонуниятини тавсифлайди.




**2- расм. Ёмғирлатиб суғориш усулидан фойдаланганда тупроқнинг чуқурлиги бўйича сувли эритманинг тақсимланиш қонуниятлари.**

Юқорида келтирилган 2-расмдан кўриниб турибдики, суғоришнинг ёмғирлатиш усули қўлланилганда суғориш ўсимликларнинг барглари орқали амалга оширилиб, сувнинг кўп қисми юқори қатламларда шимилди. Тажрибаларимизда радиоактив элементларнинг сувли эритмаси тупроқнинг юза қатламларида шимилган ва 20 см дан пастида сув эритмаси деярли аниқланмади. Сувли эритмаларининг асосий массаси тупроқнинг 0-10см чуқурлигида шимилган. Масалан, сифатли ишлов берилган тупроқнинг 5 см чуқурлигида радиоактив изотопнинг бир хил вақт оралиғида қайд этилган аналитик сигнали 450 импульсни, худди шу чуқурликда сифатсиз ишлов берилган тупроқда эса 550 импульсни ташкил қилди, яъни бу ерда сув кўпроқ шимилди. Ушбу чуқурликда сувнинг шимилиш нисбати  $(550\text{имп.}/450\text{имп.})=1,22$  га тенг бўлди. Бунинг маъноси шуки, дағал ишлов берилган тупроқнинг 5 см чуқурлигида сувнинг шимилиши тупроқга сифатли ишлов берилгандаги қийматга нисбатан 122 % ни ташкил этди. Тупроққа сифатли ишлов берилганда 15 см чуқурликда аналитик сигнал 185 импульсни ташкил қилди, худди шу чуқурликда тупроққа дағал ишлов берилганда 15 импульсни ташкил қилган, яъни тупроққа сифатли ишлов берилгандагига нисбатан бир неча марта кам. 15 см чуқурликда сувнинг шимилиши нисбати  $(15\text{имп.}/185\text{имп.})=0,08$  га тенг. Бунинг маъноси шуки, сифатсиз ишлов берилган тупроқнинг 15 см чуқурлигида ёмғирлатиб суғорилганда сувнинг шимилиши тупроққа сифатли ишлов берилгандаги қийматга нисбатан 8 % ни ташкил этди. Олиб борилган тажрибаларнинг натижалари асосида шундай хулосага келиш мумкинки, ушбу суғориш усули фақат илдиз тизими тупроқнинг юза қатламида (5-10см) жойлашган қишлоқ хўжалиги экинлари учун самарали бўлди.

Тупроққа сифатсиз механик ишлов берилганда, 20% гача йирик кесаклар мавжуд бўлганда ёмғирлатиб суғориш усулидан фойдаланиш бўйича тажрибалардан олинган натижалар 2 – эгри чизикда ўз аксини топган. Ушбу эгри чизикдан кўриниб турибдики, мазкур суғориш усулида хар хил механик хусусиятли тупроқларнинг айрим жойларида шимилиш чуқурлиги 15-25 см ни ташкил қилса, бошқа жойларда 5-10 см га тенг бўлди. Тупроқда сувнинг тақсимланиш қоидалари тўлароқ ўрганилиши учун 3-чи замонавий суғориш усули – томчилатиб суғориш усули ҳам синаб кўрилди. Олдинги тажрибалардаги каби тупроқнинг юза бирлигига бир хил хажмда сувли эритма берилди.

Томчилатиб суғорилганда хар хил механик хусусиятли тупроқларда сувнинг тақсимланиш қонунияти 3 – расмда келтирилган, бу ерда 1– эгри чизик ишлов берилмаган тупроқда сувнинг шимилишини тавсифлайди, 2– эгри чизик сифатсиз ишлов берилган тупроқда сувнинг шимилишини тавсифлайди, 3–эгри чизик тупроққа сифатли ишлов берилганда тупроқларда сувнинг шимилишини тавсифлайди. 3–расмдан кўриниб турибдики, томчилатиб суғоришдан фойдаланилганда механик ишлов берилмаган тупроқларда сувнинг тақсимланиш қонунияти экспоненциал қонунига мос келиши аниқланди. Секин ва бир текис томчилатиб сувнинг берилиши натижасида, сувдан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлди. Тажрибаларда намлик тупроқнинг 30 см ва ундан

ортиқ чуқурлигигача сингиб борган ва асосийси, натрий ва мис радиоактив изотопларнинг сувли эритмалари тупроқда нисбатан бир текис тақсимланган. Тупроққа механик ишлов берилмаганлигига қарамай сув бутун тупроқ бўйича чуқур ва текис шимилган.



**3- расм. Томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланганда тупроқнинг чуқурлиги бўйича сувнинг тақсимланиш қонунияти**

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, томчилатиб суғориш сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича энг самаралисидир, чунки бунда сув максимал даражада текис ва чуқур шимилади, айниқса сифатли ишлов берилган тупроқларда. Масалан, барча турдаги тупроқларнинг 20 см чуқурлигидаги қайд этилган аналитик сигналлар деярли бир хил бўлди: 200 имп./мин. Томчилатиб суғорилганда барча турдаги тупроқларда сувнинг шимилиши нисбати 1 га тенг, яъни сув бир хил шимилган. Сувнинг бундай бир хил тақсимланиши қишлоқ хўжалиги экинларига вегетация даврида ижобий шароитларни ҳосил қилади.

Сайхунобод тумани Пахтакор СИУ «Шўрўзак Нурли келажак» фермер хўжалиги шароитида ғўзани коллектор-зовур сувлари билан суғоришдаги тажриба натижалари. «Шўрўзак Нурли келажак» фермер хўжалигининг суғориш ерлари 122 га ни ташкил этади, булардан 54 га дон экинлари ва 65 га ғўзадир. Сув манбаси сифатида Ш-4 КДС тармоғидан фойдаланилади, минерализацияси эса 1,2 г/л, сизот сувлар сатхи 1,5-3 м га. Фермер хўжалиги худудининг географик жойлашуви ва каналларда суғориладиган сувнинг танқислигини ҳисобга олиб, амалда суғориш учун коллектор Ш-4 нинг сувларидан фойдаланилади. Йилнинг мавсумларига боғлиқ равишда сувнинг ўртача минерализацияси 1 г/л дан 1,6 г/л гача ўзгаради. Фермер хўжалиги асосий худудларининг тупроқлари кучсиз шўрланган, хайдалма ва хайдалма ости қатламларнинг механик таркиби ўртақумоқ тупроқлардан иборат. Тажриба даласининг ўлчами 50м x 200м, яъни 1 га. Тажриба участкаларида коллектор-зовур сувлари (минерализацияси 3 г/л) кучсиз ва ўртача шўрланган тупроқларда суғориш ишларини ўтказганда қандай таъсир этишини ва қанақа оқибатларга

олиб келишини баҳолаш учун тупроқнинг фаол қатламида КЗС ларини шимилиш қонуниятларини ўрганиш бўйича тажриба тадқиқотлари ўтказилди.

Тажриба майдони қаралаётган худуднинг барча майдонлари учун типик ҳисобланади. Майдонларни белгилари бўйича солиштириш учун В.В.Шабанов ва Е.П.Рудаченко услубиятидан фойдаланилган.

$$P=P_1 \times P_2 \times P_3 \times P_4 \times [1-(1-P_5)] \times [1-(1-P_6)] \times [1-(1-P_7)] \times [1-(1-P_8)]$$

Бу ерда  $P_1 \times P_2 \times P_3 \times P_4 \times P_5 \times P_6 \times P_7 \times P_8$ —филтрация коэффициенти, тупроқнинг ҳажмий оғирлиги, сув ўтказувчанлиги, энг кам нам сифими, қатламлар қалинлиги; тупроқдаги гумус миқдори, туз миқдори, сизот суви сатҳи белгилари.

Тажриба даласи натижаларини Сирдарё вилояти майдонларида қўллаш эҳтимоли  $P= 0,97 \times 0,96 \times 0,75 \times 0,82 [1 - (1-0,94) \times (1-0,80)] \times [1 - (1-0,81) \times (1-(1-0,94))]=0,69$

Тадқиқот натижаларини Сирдарё вилоятининг 69 % майдонларида қўллаш мумкин.

$$F_P = F_{\text{умум}} \times P = 284000 \times 0,69 = 195960 \text{ га}$$

бунда:  $F_{\text{умум}}$ — суғориладиган умумий майдони, га

“Шўрўзак Нурли келажак” фермер хўжалигида ғўза экинни эгатлаб суғоришнинг техника ва технологиясини такомиллаштириш бўйича дала тажриба ишларида эгатларга сув бериш сарфи 0,6-1 л/с ни ва эгатларининг узунлиги 150-200 м ни ташкил этди. Суғоришлар 150,160,170,200 м эгат узунликларида ва 0,6;0,8;1,0 л/с сув сарфларда олиб борилди. Эгат оралиғи 0,9 м бўлганда эгат чуқурлиги 18-20 см ни ташкил этди. Суғоришлар доимий ва ўзгарувчан оқимларда сув бериш асосида олиб борилди.

Умумий сув истеъмоли миқдори сув мувозанати услуги билан академик А.Н.Костяков тенгламаси бўйича аниқланди:

$$E_v = M + K_{P_v} + \Gamma + (W_b - W_o)$$

Бу ерда:  $E_v$ — умумий сув истеъмоли миқдори, м<sup>3</sup>/га;  $M$ —суғоришнинг умумий меъёри, м<sup>3</sup>/га;  $K$ —ёгинлардан фойдаланиш коэффициенти;  $P_v$ —вегетация давридаги атмосфера ёгинлари, м<sup>3</sup>/га;  $\Gamma$ —вегетация даврида экинларнинг грунт сувларидан фойдаланиш миқдори, м<sup>3</sup>/га;  $W_o$ — вегетация якунида тупроқнинг ҳисобий қатламидаги сув миқдори, м<sup>3</sup>/га.  $W_b$ —экинни экиш даврида тупроқнинг ҳисобий қатламидаги сув миқдори, м<sup>3</sup>/га;

Суғорилаётган майдондаги туз баланси Д.М.Кац бўйича аниқланди:

$$\Delta S = S_{\text{ё}} + S_{\text{суғ}} + S_{\text{ер.ости}} + S_{\text{имп}} + S_{\text{ўғ}} - S_{\text{ер.ости}} - S_{\text{др}} - S_{\text{хосил}}$$

Бу ерда:  $\Delta S$ —туз захираларининг ўзгариши;  $S_{\text{ё}}$ ,  $S_{\text{суғ}}$ ,  $S_{\text{ер}}$ ,  $S_{\text{имп}}$ ,  $S_{\text{ўғ}}$ —тузларнинг ҳаво ёгингарчилиги, суғориш суви, ер ости суви билан келиши, импульверизация йўли билан ва ўғитлар билан келиши;  $S_{\text{ер}}$ ,  $S_{\text{др}}$ ,  $S_{\text{хосил}}$ —тузларнинг ер ости сувлари, дренаж ва хосилдорлик билан кетиши.

Суғориш меъёри А.Н.Костяков формуласи бўйича аниқланди:

$$m = 100 \times n \times d (\beta_{\text{экс}} - \beta_o) \times K_m, \text{ м}^3/\text{га}$$

1-жадвал

Вўза ҳосилдорлиги, ц/га

Вариантлар	Ҳисобга олиш натижалари				$\Sigma$	$X_{\text{ўрт}}$	$a \pm$	Ҳўжалик бўйича ўртача, ц/га
	1	2	3	4				
4 вариант (доимий оқим)	25,61	26,43	27,14	25,64	105,82	26,45	-4,68	32,72
I вариант (ўзгарувчан оқим)	31,84	30,76	30,81	31,12	124,53	31,13	+4,68	

Эгат узунлигини тўлиқ бир текисда намланишни таъминлаш учун ўзгарувчан оқимда сув сарфлари берилди. Ўтказилган тажриба вариантларидаги эгатлаб суғоришда ўзгарувчан оқимда энг самарали 1-вариантда бўлди. Унда: 0,003 нишабликда 150 м эгат узунлиги ва 0,9 метр оралиғида, эгат чуқурлиги 18-20 см, 1,0/0,6 л/с ўзгарувчан сув сарфларини беришда бир текисда намланиш 0,89 га тенг бўлди ва натижада вегетацияда назоратга нисбатан 567 м<sup>3</sup>/га сув тежалди ва пахта ҳосилдорлиги 4,68 ц/га ошди.

Тажриба далаларидаги тупроқнинг фаол катламида сувнинг шимилиш қонуниятини ўрганиш учун ядро-физикавий усуллардан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш мақсадида, тупроқнинг макро- ва микроэлементлар таркиби мониторинги нейрон-активацион таҳлил усули ёрдамида ўтказилди. Бунинг учун тажриба далаларидан тупроқнинг 0см дан 90см гача бўлган чуқурлигидан намуналар олинди, доимий оғирликкача қуритилди ва нейрон-активацион таҳлили ўтказилди.

2 - жадвал


Тажриба даласининг тупроқ намуналарида макро- ва микроэлементлар микдори, (мкг/г)да

Аниқла- наётган элемент- лар	Назорат участкаси тупроқ намуналари	1-тажриба участкаси тупроқ намуналари		2-тажриба участкаси тупроқ намуналари		3-тажриба участкаси тупроқ намуналари	
<b>Sm</b>	5.4	4.1	4.4	3.9	9.4	4.7	6.2
<b>Mo</b>	3.3	0.95	1.2	1.5	0.95	1.6	1.8
<b>U</b>	2.49	3.1	4.4	4.1	4.1	3.8	3.5
<b>Yb</b>	2.7	2.2	2.6	2.9	3.4	2.8	3.3
<b>Nd</b>	21	19	17	28	34	24	33
<b>As</b>	5.0	6.2	5.0	5.3	5.4	6.8	5.1
<b>Br</b>	2.9	3.9	3.8	4.7	3.6	4.0	3.8
<b>Ca</b>	81500	83400	43100	57400	85900	80400	83000
<b>La</b>	37	32	21	38	56	42	54
<b>Ce</b>	54	46	31	41	83	47	77
<b>Th</b>	11	8.9	7.3	9.9	10.5	9.1	11
<b>Cr</b>	63	55	55	66	81	54	69

<b>Hf</b>	9.85	4.6	3.3	8.1	10	4.4	6.4
<b>Ba</b>	400	390	450	460	345	430	320
<b>Cu</b>	490	480	265	250	490	490	450
<b>Cs</b>	2.5	3.4	3.5	4.5	2.3	3.5	2.3
<b>Ni</b>	170	150	150	140	94	210	168
<b>Sc</b>	13	10	11	12	13	10	13
<b>Rb</b>	68	76	89	89	58	78	56
<b>Zn</b>	52	156	130	89	55	54	52
<b>Co</b>	8.3	8.8	9.9	11	8.0	9.0	8.1
<b>Fe</b>	26000	24000	25000	29000	26000	24000	27000

Жадвалдан кўриниб турибдики, тупроқ намуналарида миснинг миқдори катта эмас (490 мкг/г ёки 0,49 мг/г), бу эса тупроқнинг фаол қатламида сувнинг тақсимланиш қонуниятини ўрганиш учун аналитик элемент сифатида мисдан фойдаланиш имконини берди.

Эгатлаб суғориш усули қўлланилганда тупроқнинг фаол қатламида сувнишимилиш динамикасини ўрганиш бўйича тажриба ишлари натижалари 4 – расмда диаграмма кўринишида келтирилган. 1 – эгри чизиқ 2018 йилнинг 02-04 –июнь кунлари тупроқда сувнинг тақсимланишини тавсифлайди, 2 – эгри чизиқ 2018 йилнинг 17-20-июль кунлари тупроқда сувнинг тақсимланишини тавсифлайди, 3 – эгри чизиқ 2018 йилнинг 1-3 август кунлари тупроқда сувнинг тақсимланишини тавсифлайди.



**4 - расм. Ғўза экинини эгатлаб суғоришда ҳар хил муддатларда тупроқнинг чуқурлиги бўйича сувнинг тақсимланиш қонуниятини.**

4-расмдан кўриниб турибдики суғоришнинг анъанавий усули қўлланилганда турли вақтда тупроқнинг фаол қатламида сувнинг тақсимланиш динамикаси бир биридан сезиларли даражада фарқ қилди. Коллектор зовур суви билан чучук сув аралашган ҳолатда фойдаланишда сувнинг тупроқнинг фаол қатламида тақсимланиши қўйидагича бўлиши аниқланди: 0-20 см гача бўлган чуқурлик қатламида сувнинг 40%, 20-40 см да сувнинг 30%, 40-60см чуқурлик қатламида 20% , 60-90 см чуқурлик қатламида 10 % сув шимилиши аниқланди.

Тупроқ намуналарини нейтрон оқидамида нурлантирилгандан кейин гамма-спектрни ўлчаш йўли билан мис концентрациялари ва суғоришда фойдаланилган мис купоросининг сувли эритмаси билан корреляцион боғлиқлиги бўйича тупроқда шимилган сувнинг миқдори аниқланди. Аналитик сигнал сифатида тажрибаларда энергияси  $E = 511\text{кэВ}$  ва  $E = 1039\text{кэВ}$  бўлган миснинг гамма-чизиқларидан фойдаланилди. Маълум формулалардан фойдаланиб гамма-нурланишнинг интенсивлиги бўйича тупроқ намуналаридаги мис концентрацияси аниқланди.

Тажрибаларда тупроқ намуналаридаги мис концентрацияси ушбу тупроқда шимилган сув миқдорига тўғри пропорционал. Бу эса мавжуд суғориш усулидан фойдаланилганда тупроқларда сувли эритмаларини шимилиш қонуниятларини ўрганиш имконини берди.

Диссертациянинг «Тадқиқот натижаларини тадбиқ қилишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари» деб номланган туртинчи бобда тупроқнинг фаол қатламида сувнинг шимилиш динамикасини аниқлаш учун математик модель ҳамда тезкор ҳисоблаш бўйича компьютер дастури ишлаб чиқилди ҳамда хўжаликда олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан фойдаланишнинг техник–иқтисодий самарадорилиги тавсия қилинди.

## ХУЛОСАЛАР

“Ёўза экинини суғоришда коллектор-дренаж сувларидан фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш“ мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қўйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани Пахтакор СИУ хўжалигида жами 1798 га суғориладиган ерларнинг 72% (1294 га)ни ўтлоқи-бўз тупроқлар , механик таркиби бўйича ўрта қумоқ тупроқлар ташкил этади. Хўжаликда сизот сувлари сатхи 1,5-3 метрда жойлашган, уларнинг минерализацияси 1-3 г/л бўлган майдон 95,7%(1722 га)ни ташкил этади. Хўжаликда жами 1798 гектар суғориладиган ерларнинг 86,5%(1555 га) кучсиз шўрланган, 11,5%(207 га) ўртача ва 2%(36 га) кучли шўрланган майдонларга кириши аниқланди.

2. Коллектор-зовур тармоқларини ўз вақтида таъмирланмаслиги, шўрланган ерларнинг шўри ўз вақтида ювилиб, хайдалмаслиги, шўрланган ерларда ёўза орасига экиладиган ғалла экинлари билан банд ерларнинг шўр ювиш ҳажми 35–38% га қисқариши Сирдарё вилоятида шўрланган ерларнинг кўпайиб кетишига ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашувини кўрсатиб берди.

3. Сайхунобод тумани «Шўрўзак Нурли келажак» фермер хўжалигининг тажриба далаларидаги тупроқ намуналарида макро- ва микроэлементлар таркиби нейтрон-активацион таҳлил усули асосида ўрганилган ва қўйидаги элементлар миқдори аниқланган: Ca, Fe, Mo, Ni, Zn, Co, Cu, U, Th. Тажриба майдонлари тупроқ намуналарида элементларнинг миқдорий таҳлили натижасида миснинг миқдори 0,25 мг/г дан 0,49 мг/г гача бўлиши аниқланган. Нейтрон-активацион таҳлили усули орқали мис миқдорини аниқлашнинг сезгирлиги 0,02 мг/г ни ташкил қилишини ҳисобга олиб, тажриба тадқиқотлари учун  $^{63}\text{Cu}$  изотопидан фойдаланиш асосланган.

4. Сувдан самарали фойдаланиш кўрсаткичи биринчи навбатда деҳқончилик учун қўлланиладиган суғориш усулига ва тупроққа ишлов бериш сифатига боғлиқ эканлиги лаборатория ва дала тажрибалари орқали аниқланган. Эгатлаб суғориш усулида умуман механик ишлов берилмаган тупроқларда сувнинг 70% қисми тупроқнинг юза қатламида, яъни 15 см гача бўлган қатламда шимилиши  $^{63}\text{Cu}$  радиоактив изотопининг аналитик сигналларини қайд қилиш орқали аниқланган. Пастки қатламларда шимилиш жуда кам, масалан 35см дан чуқурроқ қисмида сувнинг 1-2 % қисми етиб бориши аниқланган. Сифатли ишлов берилган тупроқларда эса сувнинг катта қисми, яъни 65% қисми 10-30 см чуқурликдаги қатламда шимилиши тажрибада аниқланган ва тупроқларнинг 35 см дан пастки қатламларига сувнинг 5-7% гача шимилиши аниқланган. Бу эса қишлоқ хўжалиги экинлари илдиз тизими ривожланиши учун нисбатан кўпроқ намликни таъминлаш имконини беради.

5. Минерализация кўрсаткичи 3 г/л бўлган коллектор-дренаж сувларидан фойдаланганда кучсиз шўрланган тупроқларнинг фаол қатламида сувнинг шимилиш динамикаси  $^{63}\text{Cu}$  барқарор изотоплари суви эритмаларининг тақсимланиши орқали ўрганилган. Олиб борилган экспериментал тадқиқотлар асосида тупроқнинг фаол қатламида сувнинг шимилиш динамикасини аниқлашнинг ядро-физикавий услубияти ишлаб чиқилган.

6. Суғоришнинг анъанавий усули қўлланилганда турли вақтда тупроқнинг фаол қатламида сувнинг тақсимланиш динамикаси бир биридан сезиларли даражада фарқ қилди. Коллектор-дренаж суви билан чучук сув аралашган ҳолатда фойдаланишда сувнинг тупроқнинг фаол қатламида тақсимланиши кўйидагича бўлиши аниқланди: 0-20 см гача бўлган чуқурлик қатламида сувнинг 40%, 20-40 см да сувнинг 30%, 40-60см чуқурлик қатламида 20% , 60-90 см чуқурлик қатламида 10 % сув шимилиши аниқланди.

7. Кучсиз шўрланган шўрланган тупроқларда минерализацияси 3г/л бўлган КДСни аралаштириб фойдаланилганда, 1-вариант-ЧДНС 70 % да 1:4 микдор аралашма(1- зовур суви, 4-дарё суви, минерализацияси- 1:4=3г/л+4,8г/л=7,8:5=1,56г/л) энг самарали вариант бўлиб, ҳудуднинг экологик ҳолатига зарар етказмасдан деҳқончилик учун сув ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мумкинлиги дала тажрибаларида исботланди. Шу кўрсаткичдаги минерализацияли КДС дан мавсум давомида фойдаланганда тажриба майдонларининг шўрланиш даражаси ошмаганлиги, яъни кучсиз даражада қолганлиги тадқиқотларда исботланди.

8. Ғўза экинини суғоришда эгат узунлигини тўлиқ бир текисда намланишни таъминлаш учун ўзгарувчан оқимда коллектор-дренаж сув сарфлари берилди. Ўтказилган тажриба вариантларидаги эгатлаб суғоришда энг самарали 1 -вариантда бўлди. Унда: 0,003 нишабликда 150 эгат узунлиги ва 0,9 метр оралиғида 1,0/0,6 ўзгарувчан сув сарфларини беришда бир текисда намланиш 0,89 га тенг бўлди ва натижада вегетацияда назоратга нисбатан 567 м<sup>3</sup>/га сув тежалиши ва пахта ҳосилдорлиги назорат вариантыга нисбатан 4,68 ц/га юқори бўлиши имконияти яратилди.

9. Ғўзани етиштиришда тупроқнинг фаол қатламида сувнинг шимилиш динамикасини ҳисоблаш учун математик модел яратилган ва тезкор ҳисоблашни таъминлайдиган компьютер дастури ишлаб чиқилган (Ўзбекистон

Республикаси Интеллектуал Мулк Агентлигининг 14.06.2019йилдаги № DGU 06593-сонли Гувоҳномаси).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО  
ХОЗЯЙСТВА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**УРУНБОВЕВ САДРИДДИН КОМИЛЖОНОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ  
КОЛЛЕКТОРНО-ДРЕНАЖНЫХ ВОД ДЛЯ ОРОШЕНИЯ  
ХЛОПЧАТНИКА**

**06.01.02- Мелиорация и орошаемое земледелие**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.1.PhD/Т.1377.**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Шеров Анвар Гуломович**  
доктор технических наук, доцент

**Рецензенты:**

**Икрамов Рахимджан Каримович**  
доктор технических наук, профессор

**Шадманов Джамолиддин Казакжанович**  
кандидат сельскохозяйственных наук,  
старший научный сотрудник

**Ведущая организация :**

**Ташкентский государственный Аграрный университет**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Т.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, Ташкент, Кары-Ниязий, 39. тел./факс: тел.: (99871) 237-19-61; 237-22-09, факс: (99871) 237-54-79; e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрировано № \_\_\_\_). Адрес: 100000, Ташкент, Кары-Ниязий, 39. тел (99871) 237-19-45.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 года.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 года).

**Т.З.Султанов**

Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н.

**А.А.Янгиев**

Учёный секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.т.н., профессор

**М.Х.Хамидов**

Председатель научного семинара  
при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.с/х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Использование подземных вод для полива сельскохозяйственных культур в мире является одним из важных вопросов. В этом контексте использование вод рек и бассейнов с различной степенью минерализации особенно важно для орошения сельскохозяйственных культур. В этом отношении, в странах включая США, Италию, Китай, Индию, Саудовскую Аравию, Россию и в других развитых странах, при орошении посевов грунтовыми водами, содержание солей в пахотных горизонтах увеличивается в дальнейшем после значительных осадков или промывок на уменьшение содержания солей обращается особое внимание.

В мире ежегодно образуется около 300 км<sup>3</sup> коллекторно-дренажных вод (КДВ), и они наносят серьезный ущерб экономике и природе всех стран. Поэтому особое внимание уделяется целевым научным исследованиям, направленным по защите водных ресурсов и ликвидации отрицательного влияния КДВ на окружающую среду. В этой связи одной из важных задач является разработка мер по повторному использованию коллекторно-дренажных вод для ирригации, предварительно проведя деминерализацию и нейтрализацию или их использования в сочетании с речной водой.

В настоящее время для предотвращения дефицита воды в стране проводятся масштабные исследования по использованию водосберегающих технологий орошения, улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель и полученная высокой урожайности сельхозкультур. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлены следующие задачи: «... снизить использование, энергии и ресурсов применять продукции и прежде всего, современные водосберегающие и ресурсосберегающие агротехники при производстве сельскохозяйственной интенсивные методы сельскохозяйственного производства»<sup>1</sup>. Для выполнения этих задач важно ведение научно-исследовательских работ, в том числе по использованию инновационных технологий по привлечению коллекторно-дренажных вод в качестве дополнительного источника для орошения.

